

2024 йилда Экотуризм ва овчиликни ривожлантириш департаменти” давлат муассасаси тасарруфидаги давлат ўрмон-овчилик хўжаликларида ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномаларни ажратиш юзасидан **16 турдаги** ёввойи ҳайвонларни тутиш учун **12935 бош** квота ажратилган.

Ов қилиш хуқуқига доир рухсатнома берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига [1-иловада](#) белгиланган миқдорларда тўловлар ундирилади. Тўловлар тўлиқ ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.